Стратегик ва миллий қадриятлар

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИДА — ЯРИМ ЙИЛЛИК САРҲИСОБИ 2-бет
ҲАМЮРТИМИЗ ГАЛАБАСИНИНГ ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ЭЪТИРОФИ 3-бет
МАКТАБ ТАЪЛИМИ КЕНГ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ 4-5 betlar
ТУМАНЛАРДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ 6-бет

СЕШАНБА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 143 (10.196) / 2004 ЙИЛ 27 ИЮЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА сатрларда

● **АЙНИ** кунларда шаҳримиз туманлари хотин-қизлар қўмиталарининг ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда. Бугун Юнусобод, Собир Раҳимов ва Мирзо Улуғбек туманларининг фаол аёллари ўзларининг III ҳисобот-сайлов конференцияларини ўтказишди.

● **КЕЧА** Чилонзор туманидаги «Автоустоз» акциядорлик жамиятида «Ўзбекистон: давлатчилик тарихи — маҳалла — оила — инсоний қадриятлар» ҳамда «Кучли давлатдан кучли жамият сари» мавзуида бўлиб ўтган семинар шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази ташаббуси билан уюштирилди.

● **АБДУЛЛА** Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида абитуриентлар ижодий имтиҳондан ўтишди.

● **РОССИЯ** пойтахти Москва шаҳридаги «Огонёк» болалар оромгоҳида дам олиши мўлжалланган бир гуруҳ ўзбекистонлик болажонлар Тошкентдан Москвага жўнаб кетишди.

● **АКМАЛ** Икромов туманидаги «Истиқлол» маҳалласида болажонлар учун янги спорт мажмуи бунёд этилди.

● **ШИФОКОРЛАР** малакасини ошириш институти ультратовуш диагностикаси кафедрасига замонавий тиббий технологиялар келтирилиши натижасида эхинокок хасталигини жаррохлик амалиётисиз даволаш йўлга қўйилди.

● **ТОШКЕНТ** ҳайвонот боғига 2 ой муқаддам Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳридан келтирилган фил боласи ўзини яхши ҳис қилмоқда. Яқин кунларда ҳайвонот боғига яна 2 та фил келтириладиган бўлди.

● **РЕСПУБЛИКА** «Маҳалла» жамғармасида уюштирилган тадбирда терроризм балосига қарши курашда биргалашиб ҳаракат қилиш зарурлиги таъкидланди. Муҳими, «аср балоси»га қарши курашда маҳаллалар таянч масканлари бўла олиши қатнашчилар томонидан яна бир карра эътироф этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ЧИНГИЗ ТЎРАҚУЛОВИЧ АЙТМАТОВГА

Ҳурматли Чингиз Тўрақулович,

Даволаниш жараёни муваффақиятли ўтгани ва саломатлигингиз яхшиланганлиги ҳақидаги хушхабар Ўзбекистонда қониқиш ва хурсандлик билан кутиб олинди.

Сиз жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда юксак обрў-эътибор ва катта ҳурматга сазовор бўлгансиз. Мен ўзаро мулоқотларимизни ҳамиша мамнуният билан ёдга оламан ва учрашувларимизни истиқболда давом эттириш учун кўплаб қулай имкониятлар бўлишига умидворман.

Серқирра маҳоратингизнинг Ўзбекистондаги кўпсонли мухлислари ва шахсан ўз номимдан Сизга, муҳтарам Чингиз Тўрақулович, тез кунларда тўла соғайиб кетиш ҳамда ижодий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятга қайтишни чин дилдан тилайман.

Сизга юксак ҳурмат ва фаол умргузаронлик тилаклари билан,

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни ишчи гуруҳи раҳбари - Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б.Бугров бошқарди.

Ишчи гуруҳи раҳбари биринчи йиғилишни очар экан, парламентнинг навбатдаги сессияси муҳим аҳамиятга эга эканлигини, унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳамда 2005 йилга мўлжалланган Давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисидаги масалалар, иқтисодий ислоҳотларни, жамиятимиздаги демократик ўзгаришларни чуқурлаштиришга қаратилган қонунлар лойиҳалари ва бошқа масалалар кўриб чиқилишини таъкидлади. Сессияни сиёсий, ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш, депутатлар самарали ишлаши учун мақбул шарт-шароитлар яратиш зарурлигига алоҳида урғу берилди.

Сессиянинг муваффақиятли ўтиши парламент қўмиталари ва комиссиялари, сиёсий партияларнинг депутатлар фракциялари, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блоклари унга қандай тайёргарлик кўришига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Йиғилишда депутатлар ишчи гуруҳининг ҳозирги кундаги асосий вазифаси сессия муҳокамасига киритиладиган барча ҳужжатлар лойиҳаларини ўз вақтида, сифатли тайёрлашдан иборат эканлиги таъкидланди.

Айни вақтда мамлакатимиз қонун чиқарувчи олий органининг бўлажак сессияси билан боғлиқ бошқа бир қатор масалаларни ўз вақтида ҳал этиш ҳам муҳим аҳамиятга молик экани айтилди.

Депутатлар ишчи гуруҳи фаолияти самарали бўлишини таъминлаш мақсадида унинг таркибида учта кичик гуруҳ тузилди. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов бошчилик қиладиган кичик гуруҳнинг асосий вазифаси сессияга доир материалларни тайёрлаш ва уларнинг депутатларга олдиндан етказиб берилишини ташкил этиш, ҳужжатларнинг лойиҳалари юзасидан тушадиган таклифлар ва мулоҳазаларни умумлаштириб боришдан иборат.

Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси Ў.Ҳошимов етакчилигидаги кичик гуруҳ журналистларни аккредитация қилиш масалаларини ҳал этади, парламент сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни, жумладан, сиёсий партияларнинг депутатлар фракциялари, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокларининг қонунчилик ишидаги иштироки оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилишини ташкил қилади. «Рада-Мажлис» электрон овоз бериш тизими аниқ ишлашини ва ялпи мажлислар залида синхрон таржимани таъминлаш вазифаси ҳам мазкур кичик гуруҳ зиммасига юклатилди.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитасининг раиси М.Умаралиев раҳбарлик қиладиган учинчи кичик гуруҳ ўз саъй-ҳаракатларини сессия вақтида депутатлар унумли ишлашлари учун уларга зарур шарт-шароитларни таъминлаб беришга қаратади.

Депутатлар ишчи гуруҳи аъзолари амалга ошириладиган ишлар режасини атрофлича муҳокама қилдилар ва сессияга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан қатор таклифлар билдирдилар. Кичик гуруҳлар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисида мунтазам ҳисобот бериб боришлари, тайёргарлик кўриш асосида юзага келадиган барча масалалар бўйича фикр алмашиб туришлари ҳамда бир-бирларига зарур амалий ёрдам кўрсатишлари ҳақида қарор қабул қилинди.

ЎзА

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● **Мамлакатимизга ташриф буюрган Кувайт Давлати вақф ва ислом ишлари вазири Абдулла ал-Маътуқ раҳбарлигидаги делегация аъзолари кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Зуҳриддин Ҳуниддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.**

● **Қашқадарё вилояти ҳокимлигида «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.**

● **Нукус шаҳрининг Элликқалъа туманида туман хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилди.**

● **«Экосан» халқаро жамғармасининг саломатлик ва мурувват поезди Бухорога етиб келди. Поездда келтирилган 15 миллион сўмлик дори-дармон, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар эҳтиёжманд кишиларга тарқатилмоқда.**

Жаҳонда

● **Боснияннинг Мостар шаҳрида XVI асрда бунёд этилган, ЮНЕСКОнинг рўйхатига кирган қадимий кўприкнинг қайта тикланиши муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда 50 дан ортиқ давлат вакиллари қатнашди.**

● **Туркиянинг Истамбул шаҳридан Анқарага йўл олган тезюрар поездининг ҳалокатга учраши натижасида 36 киши ҳалок бўлди, 80 га яқин киши жароҳатланди.**

● **Мексиканинг собиқ Президенти Луис Эчиверия устидан суд жараёни бошланди. У 1971 йилда кўплаб талабалар умрига зомин бўлган тартибсизликларда айбланмоқда. Агар собиқ президентнинг айблари исботланса, у умрбод уй қамоғига ҳукм қилиниши мумкин.**

● **Италиянинг жаҳонга машҳур Flat концерни нотекисликларда юрувчи илк автоуловини 2006 йилдан бошлаб савдога чиқаришни режалаштирмоқда. Ушбу автоулов 2006 йилда Италияда бўлиб ўтадиган қишки олимпиада ўйинларининг расмий автомобили сифатида қайд этилди.**

● **Филиппин пойтахти Манилада 8 қаватли турар жой биноси қулаб тушди. Бахтли тасодиф туфайлигина ҳеч кимга зарар етмади.**

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ФАОЛЛИК — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

КЕЧА пойтахтимизда 2004 йилнинг биринчи ярим йиллигида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда келгусидаги вазифаларга бағишланган кенгайтирилган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуқаҳҳор Тўхтаев олиб борди.

Кун тартибидаги асосий масала юзасидан маъруза қилган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Шуҳрат Абдуқодиров ҳисобот даврида эришилган ютуқлар хусусида қисқача тўхталиб ўтиб, асосий эътиборни шаҳар хўжалигининг барча бўғинларида амалга оширилган ислоҳотлар таҳлилига қаратиб ўтди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида шаҳарда макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик таъминланди. Таркибий янгиланишлар давом эттирилди. Хўжалик субъектларининг иқтисодий фаоллиги кузатилди. Буларнинг бари иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиши ҳамда ижтимоий соҳаларнинг ривожланишига замин яратди. Ҳисобот даврида ҳудудий ички маҳсулот ҳажми ўтган даврга нисбатан 4,4 фоизга юқорилади. Чакана савдо айланмасининг ҳажми — 10,1 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми — 3,3 фоизга ўсиши таъминланди.

Шаҳар иқтисодиётининг ривожланиши молия, пул муомаласи тизими ва ташқи савдо секторининг мувозанатланиши билан уйғунликда кечди. Жумладан, давлат ғазнасига 251,2 миллиард сўм келиб тушди. Бу эса истиқболли кўрсаткичлар 1,6 фоизга бажарилганини кўрсатади. Маҳаллий бюджетга 5,3 миллиард сўмга тенг қўшимча маблағлар жалб этилди. Ташқи савдо айланмаси 30,9 фоизга, экспортнинг умумий ҳажми ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 35 фоизга кўпайди. Ўтган 6 ой ичида 69,9 миллион АҚШ долларига тенг инвестициялар жалб этилган бўлса, бу кўрсаткич 2003 йилнинг мос даврига нисбатан 2,2 баробар ошган.

Давоми 2-бетда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ФАОЛЛИК — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланиши биринчи ярим йилликка белгиланган муҳим ижтимоий масалаларнинг ҳам ҳал этилишига асос бўлди. Турли манбалар ҳисобидан 132,2 минг квадрат метр уй-жой қуриб, фойдаланишга топширилди, 2,6 километр ичимлик суви ва 4,5 километр газ қувурлари ётқизилди. «Меҳр ва мурувват» дастури доирасида бюджет маблағлари ва ҳомийлар ҳисобидан кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронлар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш борасида 3,2 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ўзлаштирилди.

Шу билан бирга ривожланишда изчиллик ва мутаносибликка эришилмагани боис иқтисодиётнинг айрим соҳаларида жиддий камчиликлар юзага келгани кузатилди. Айрим хўжалик раҳбарларининг лоқайдлиги, ишлаб чиқариш муаммолари ҳал этилишида янги замонавий услублардан фойдаланилмаганлиги нафақат тегишли корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи ночорлашувига олиб келди, балки бюджет даромадлари шакланишига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Хусусан, асосий солиқ турларидан даромад солиғи, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун солиқ, шунингдек ягона солиқ бўйича белгиланган кўрсаткичлар таъминланмади.

Йил бошига нисбатан корхона ва ташкилотларнинг умумий бўкмандаси миқдори ҳам анча ошган бўлиб, 41,2 миллиард сўмни ташкил этди. Шу жумладан шаҳар бюджетининг даромад қисми шаклланишида муҳим аҳамиятга эга «ишчи» бўкманданинг ҳажми 18,8 миллиард сўмга тенг бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бундай вазиятнинг юзага келишида корхона ва ташкилотлар ўртасидаги дебитор ва кредитор қарздорлик масаласи ҳам алоҳида ўрин тутади. Таҳлилларга қараганда йил бошига нисбатан муддати ўтган дебитор қарзлар бироз камайган бўлсада, аммо муддати ўтган кредитор қарзлар ҳажми анча ошган. Ўтган вақт ичида энг катта муддати ўтган кредитор қарз «Тошиссиқликмаркази» корхонаси, «Маишийкимё», «Ўзлитинефтгаз» ҳиссадорлик жамиятларига тўғри келмоқда.

Фаоллар йиғилишида солиқ хизматлари, айрим туман ҳокимликлари томонидан банкдан ташқари нақд пул айланмасини барқарорлаштириш масалаларида, тегишли тузилмаларда назорат- касса аппаратларидан тўғри фойдаланишда назорат олиб борилмагани кескин танқидга олинди. Шунингдек, юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш ва эндиликда уларга йўл қўймаслик мақсадида биринчи галда хўжалик раҳбарлари ўз корхона ва ташкилотларининг молиявий-иқтисодий фаолиятини изчиллаштиришга бўлган масъулиятини ошириши, шу жумладан шартнома муносабатларини тўлиқ қонун талабларига мослаб юритиши, тўлов интизомига риоя этиши зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлган саноатдаги кўрсаткичлар таҳлилига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида саноатда ишлаб чиқариш ҳажми салкам 13 фоизга ошганлигига қарамасдан ўтган йилнинг мос даврига нисбатан саноат ва истеъмол молларини ишлаб чиқаришни камайтирган корхоналар сони сурункали равишда ўсиб бормоқда. Жумладан, «Нерудник», «Агрегат заводи», «Юлдуз» акциядорлик жамиятларида, қўшма корхоналардан «Лок-колор синтез», «Шакаринвест»да саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми анча камайган. Жойларда олиб борилган кузатишлар натижаларига қараганда, истеъмол молларини ишлаб чиқариш бўйича дастурнинг бажарилишида ҳам бирмунча камчиликларга йўл қўйилган. Айниқса бундай ҳолат Сергели, Шайхонтоҳур, Юнусобод ва Яккасарой туманларига тааллуқлидир. Жорий йилнинг ўтган 6 ойи ичида 84 та корхона 34,3 миллиард сўм зарар билан чиққан, шу жумладан «Тошкентсут» ҳиссадорлик жамияти, «ЎзБАТ», «Растр», «Корфармсаноат», «Тошкент чойи», «Хобас ТАПО» қўшма корхоналарининг зарари умумий кўрсаткичнинг асосий қисмини ташкил этади. Бундай хўжалик субъектларининг аксарияти Миробод, Юнусобод, Шайхонтоҳур, Мирзо Улуғбек ва Ҳамза туманларига тўғри келади.

Таҳлилларга қараганда, биринчи ярим йилликда корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни анча жадаллашган. Ҳисобот даврида 99 та корхона турли мулкчилик кўринишида хусусийлаштирилган. Аммо шу билан бирга тегишли давлат дастурларига мувофиқ хусусийлаштириш ҳаракатига хорижий инвесторларни жалб этиш, паст рентабелли ва ночор корхоналарни инвестицион мажбуриятлар билан сотиш, давлатга тегишли қимматли қоғозларни ҳақиқий инвесторларга сотиш бўйича белгиланган вазифалар бажарилмаган. Шунингдек, қурилиш йўналишидаги илмий-тадқиқот институтларини ҳам хусусийлаштириш борасидаги режалар амалга оширилмаган.

Ички бозорни импорт ўрнини босувчи экспортбоп ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришда давлат маҳаллийлаштириш дастурининг бажарилиши алоҳида ўрин тутади, аммо фаоллар йиғилишида таъкидланганидек, бу борада ҳам қанчалик саъй-ҳаракатлар олиб борилмасин, кутилаётган натижаларга эришиш қийин кечмоқда. 2003 йилнинг якунларига бағишланган шаҳар фаоллар йиғилишида ушбу масалага алоҳида урғу берилиб, ўтган вақт давомида истеъмол молларининг атиги 205 хил янги турини ишлаб чиқаришга эришилгани, шаҳар бозорлари эса асосан четдан келтирилган, истеъмолчиларнинг талабларига тўлиқ жавоб бермайдиган товарлар билан тўлдириб борилаётгани ҳақида фикр билдирилганди. Бундай ҳолат ҳануз давом этаётгани сир эмас. Шунга қарамасдан тегишли шароитлар мавжуд бўлсада, маҳаллий ишлаб чиқаришга хўжалик муносабатларининг кооператив усулларини татбиқ этиш борасида аниқ дастур кўзда тутилмаган. Шубҳасиз, ушбу муҳим аҳамиятга молик давлат дастурининг амалга оширилишига тўсиқ бўлаётган айрим объектив ва субъектив сабаблар бор. Бироқ ҳануз пастдан, яъни бевосита корхоналарнинг мавжуд имкониятлари борасида ташаббускорлик сезилмайди. Гап, албатта, маҳаллийлаштириш дастурига киритилган, аммо буюртмалар, хом ашё материаллари, айланма маблағлар етарли даражада бўлмаганлиги сабабли дастурнинг бажарилишини таъминламаган корхоналар ҳақидадир. Шунга қарамасдан, уларнинг ушбу лойиҳада ҳозирги кунгача иштироки давом этмоқда.

Уй-жой коммунал соҳасини ислоҳ қилиш бўйича дастур ҳам қониқарсиз тарзда амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу борада куни кеча Вазирлар Маҳкамасининг биринчи ярим йиллик якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида Тошкент шаҳрига танқидий баҳо берилгани пойтахт фаоллари олдида нечоғлик муҳим вазифа турганидан далолат беради. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу соҳанинг барча тузилмаларига уй-жойларни тубдан таъмирлаш, ресурсларни тежаш асбобларини ўрнатиш, шаҳарни кузги-қишки мавсумга тайёрлаш бўйича дастурларнинг бажарилиши юзасидан аниқ вазифалар белгиланди. Ва таъкидлаш ўринлики, кун тартибидаги ушбу масала кўргазмали равишда, яъни фаоллар эътиборига Вазирлар Маҳкамасининг махсус ишчи гуруҳи томонидан шаҳар қозонхоналари, иссиқлик тизимлари, айрим кўп қаватли уйларнинг аҳволи тасвирга туширилган видеосюжетлар орқали таҳлил қилинган ҳолда ҳавола этилди.

Йиғилишда барча камчиликлар ва хатолар тезкорлик билан бартараф этилиши ва бу борада раҳбарларнинг масъулиятини ошириш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, йиғилишда жорий йилнинг декабрь ойида мамлакатимизда катта сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган воқеа бўлиб ўтишини инобатга олган ҳолда, сайлов кампаниясининг муваффақиятли якунланиши шаҳар фаолларининг фаолиятига бевосита боғлиқ эканлигига ҳам урғу берилди. Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Шухрат Абдуқодиров бу ҳақда фикр билдириб, талабчанлик ва масъулиятни чуқур сеза билиш ёши ва тажрибасидан қатъи назар, ҳар бир раҳбардан талаб этилишини унутмаслик лозимлигини, Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, «ўзини раҳбар деган, етакчи деган одамнинг зиммасидаги масъулият бошқаларникидан кўпроқ, чунки Яратган кимга кўпроқ берган бўлса, ундан талаб ҳам шунча катта бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Фаоллар йиғилишида, шунингдек, Меҳр ва мурувват йили дастури, мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ҳамда хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли Фармон ва ҳукумат қарори бажарилишига оид масалалар кўриб чиқилди.

Муҳокамаларда давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси раиси Алишер Каримов, Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси бош директори Ғаппор Норматов, «Тошиссиқликқуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқарувчиси Тўлқин Анваров, «Тошгаз» бошқармаси бошлиғи Қобил Фармонов ва бошқалар қатнашди.

Барча билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни инобатга олган ҳолда йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Абдулла Орипов иштирок этди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

АҚШ ГЕНЕРАЛИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ қуролли кучлари марказий қўмондонлиги бош қўмондони генерал Жон Абизаид Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида бўлди.

Мамлакатимиз мудофаа маҳкамаси раҳбари Қодир Ғуломов билан музокарада Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама этилди. Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Мазкур масалаларда томонларнинг фикрлари муштарак экани таъкидланди.

Меҳмон Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан ҳам Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари, минтақавий хавфсизликка доир масалалар юзасидан фикр алмашди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 29-30 март ва 1 апрель кунлари Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида терроризм ва кўпорувчилик ҳаракатларини содир этганликда айбланаётган 15 нафар шахс устидан суд жараёни бошланди. Суд жараёнига Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Б.Жамолов раислик қилмоқда.

Судланувчилар Ф.Юсупов, Ф.Казакбаев, Х.Ишматов, Е.Асланов, Н.Курбаналиев, Р.Юсупов, М.Мирзакулов, Қ.Туйчиев, К.Сохоталиев, Ё.Умаров, К.Қаюмова, Ж.Нигманов, Ў.Ҳамроев, И.Тошпулатова, А.Зулпикаров дастлабки тергов органлари томонидан оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, терроризм, босқинчилик, диний экстремизм, ўқотар қурол ва ўқ-дориларни босқинчилик йўли билан эгаллаш, портловчи моддаларни тайёрлаш, олиб юриш, сақлаш, контрабанда ва бошқа қатор ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланган.

Раислик қилувчи томонидан тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгач, Давлат айбловчиси, адлия катта маслаҳатчиси М.Солиҳов айбланувчиларга нисбатан айблов хулосасини ўқиб эшиттирди.

Очиқ кўрилаётган суд мажлисида 30 нафардан зиёд хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

ЎзА

СУРАТЛАРДА: суд пайтидан лавҳалар.

Дилшод Юсупов (ЎзА) олган суратлар.

Санъат

СЕВИМЛИ ШОИР ҲАҚИДА ТАСМА

Мамлакатимиз адабий ва мусиқа жамоатчилиги яқинда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигини кенг нишонлаган эди. Шу сана муносабати билан экран асарини яратишга ҳам киришилди.

Халқимизнинг севимли шоири, ёрқин истеъдод ва ижод соҳибининг жўшқин фаолиятини таранним этувчи мазкур ҳужжатли фильм таъсирчан бадиий лавҳаларга бой. Янги картина «Ўзбекфильм» киностудиясининг истеъдодли режиссёри Аҳрор Акбархўжаев бошчилигида суратга олинди. Унда шоир шеърлари билан ижро этиладиган жозибали тароналар ҳам томошабин кўз ўнгида янграйди.

Янги фильм тез орада экранларга чиқарилади.

«СЕҲРЛИ НОВДА» — БОҒ САҲНАСИДА

Тошкент Давлат мусиқали комедия (оперетта) театри ижодий мавсумини эртак спектакль билан якунлади. «Сехрли новда» деб номланган мазкур кувноқ постановка театр режиссёри Борис Мисин бошчилигида саҳнага олиб чиқилди.

Фольклор асарлари мўъжизасига хос саҳнавий талқинини топган ушбу оперетта айниқса ёш томошабинларда қизиқиш уйғотмоқда. Шу сабабли ҳам «Сехрли новда» постановкаси шу кунларда болалар эътиборига ҳавола қилинмоқда. Пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳар шанба кунлари бу спектаклни келиб кўриш мумкин.

ФИЛЬМЛАРДА ЯНГРАГАН ТАРОНАЛАР

Истеъдодли бастакор Фарҳод Алимов кўплаб жозибадор куй ва қўшиқлари билан республикамизда яхши танилган. Унинг мусиқали драма спектаклларига ёзган мусиқали асарлари мамлакатимиздаги қатор театрлар репертуаридан ўрин олди.

«Юсуф ва Зулайҳо», «Нодирабегим», «Фотима ва Зуҳра» каби мусиқали драмалари Муқимий номидаги театрнинг энг яхши спектаклларига айланган.

Бастакорнинг бадиий ва ҳужжатли фильмларга ёзган мусиқалари ҳам томошабинларга манзур бўлмоқда. Шу ўринда ҳужжатли фильмларда янграган мусиқалар ҳақида ҳам илиқ гапларни айтиш жоиздир. «Ўзбекистон ёзувчилари», «Самарқанд музейлари», «Санъат мактаби» сингари экран асарларининг муваффақиятли чиқишини таъминлашда унинг оҳангларга бой куйлари ижобий ўрин тутди.

«Ўзбекистон Давлат консерваторияси» деб номланган ҳужжатли фильмда бастакор сифатида қатнашиб, ўз ижодий маҳоратини яна бир бор намоён этди.

Акбар АЛИЕВ

УЛКАН ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК САМАРАСИ

Ливияда шахмат бўйича ўтган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик гроссмейстер Рустам Қосимжонов барча донгдор рақибларини доғда қолдириб, шатранж тожининг соҳиби бўлди. Ўзбекистонда Юртбошимиз раҳнамолигида спорт соҳасига берилаётган улкан эътиборнинг самараси яна бир карра жаҳон миқёсида эътироф этилди.

Президент Ислом Каримовнинг ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар этиб вояга етказиш, хусусан, спортни ривожлантириш йўлидаги доимий ғамхўрлиги Ўзбекистоннинг фахру ифтихорлари сафини тобора кенгайтирмоқда.

Шахмат тожи Ўзбекистон вакилига насиб этгани катта тарихий воқеа. Шу муносабат билан мамлакатимиз раҳбарига дунёнинг турли давлатларидан табрик мактублари келмоқда. Уларда Рустам Қосимжоновнинг ғалабаси Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатимизда ёш авлодни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш йўлидаги улкан саъй-ҳаракатларининг яна бир самараси экани алоҳида таъкидланади.

«Ўзбекистон раҳбарияти шахматни оммавийлаштириш ва ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватламаганида, шубҳа йўқки, бундай муваффақиятга эришиб бўлмасди. Жаҳон шахматчилари Сизнинг Рустамни мамлакатингизнинг юксак давлат мукофоти — Амир Темур ордени билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармонингиз ҳақидаги хабарни катта қувонч билан кутиб олди. Бу муваффақият шуниси билан қадрлики, мусобақа мобайнида Рустам Василий Иванчук (Украина), Александр Гришчук (Россия), Веселин Топалов (Болгария), Майкл Адамс (Англия) каби супергроссмейстерларни мағлуб этди ва шу билан ўн еттинчи шахмат қироли номига муносиблигини, сайёрамизнинг энг кучли шахматчиси эса Сизнинг гўзал мамлакатингиз вакили эканлигини исботлади. Аминманки, бу муваффақиятга ўзбек спортчиларининг жаҳон спорт майдонларидаги бошқа ажойиб ғалабалари ҳам қўшилаверади», дейилади ФИДЕ Президенти, Қалмоғистон Республикаси Президенти Кирсан Илюмжиновнинг мактубида.

Франция Миллий ассамблеяси раисининг ўринбосари, Ренси шаҳри мэри Эрик Раулнинг мактубида ҳам ана шундай самимий табрик сўзлари ўз ифодасини топган.

«Ҳозиргина шахмат бўйича янги жаҳон чемпиони жаноб Рустам Қосимжонов ўзбек миллатига мансуб эканлигидан воқиф бўлдик ва шу муносабат билан Сизни чин дилдан қутлашга ижозат бергайсиз. Сизга ва мамлакатингизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромларимизни қабул қилгайсиз», дейилади номада.

«Сизни Ўзбекистон Республикаси ва ўзбек халқи ҳаётидаги шонли воқеа муносабати билан қутлашга ижозат бергайсиз, — деб ёзади «Союзнефтегаз» давлатлараро нефть компанияси» ёпиқ акционерлик жамияти бошқаруви раиси Юрий Шафраник. — Бу ғалабада ўзбек халқининг маданиятидаги чуқур тарихий илдизлар ва анъаналар, бу халқни дунёга танитган математиклар, фалакшунослар, мутафаккирларнинг азму шижоати ва донолиги ўз ифодасини топган. Аминмизки, Сиз, Ўзбекистон Республикасининг Президенти сифатида янги тарихий шароитда миллий маданиятнинг гуллаб-яшнаши, спортнинг барча турлари юксак суръат билан ривожланишига алоҳида эътибор қаратмаганингизда, бу ғалабага эришиб бўлмас эди. Халқаро шахмат чўққисида дўст Ўзбекистон вакилларига янги номлар ва янги муваффақиятлар тилаб қоламиз».

«Рустам Қосимжоновнинг Ливияда ўтган жаҳон чемпионатидаги ажойиб ғалабаси билан табриклашга ва дўст ўзбек халқига спортда янгидан-янги муваффақиятлар ва янги номлар тилашга ижозат бергайсиз», дейилади «Союзнефтегаз» давлатлараро нефть компанияси» ёпиқ акционерлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Г.Гучетлнинг мактубида.

Исроил Кнессети (парламент) аъзоси, парламентдаги «Исроил-Ўзбекистон» дўстлик лигаси раиси Амнон Коэн Ўзбекистон Президентини бутун лига аъзолари номидан самимий қутлайди.

«Сизни ва Сизнинг ёш ҳамюртингиз Рустам Қосимжоновни буюк муваффақият — Триполида (Ливия) ўтган жаҳон чемпионатидаги ғалаба билан табриклашга ижозат бергайсиз. Жаҳон чемпиони бўлган ўзбек шахматчиси Ўзбекистон халқининг фахру ифтихорига айланганини бизни жуда қувонтирди. Энг эзгу тилакларимни изҳор этиб қоламан».

«Миллионлаб ўзбекистонликлар қаторида мен ҳам ўзбек халқининг мард ўғлони Рустам Қосимжоновнинг спортдаги улкан ғалабаси ва ақлий камолотидан қувониб, шундай ҳамюртим борлигидан фахрланмоқдаман. Бу тарихий ғалаба ўзбек халқининг Мустақиллик йилларида Сизнинг раҳбарлигингизда эришган навбатдаги муваффақиятидир. Ўзбекистон халқи мамлакат байроғини юқори кўтараётган ва ўзининг буюк аждодлари анъаналарини давом эттираётган мард ёш авлод билан ҳар қанча фахрланса арзийди», деб ёзади Жаҳон Бухоро яҳудийлари конгресси президенти Лев Леваев.

Польшанинг «Medical Management & Finance» компанияси Президенти Гжегож Кобилецки эса компанияси жамоаси номидан табрик йўллаган: «Бу мустақиллик йилларида Сиз, Президент Жанобларининг раҳбарлигида ёш авлодни камолга етказиш учун яратилган шарт-шароит самарасидир. «Medical Management & Finance» компанияси бизнесни муваффақиятли ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратилган Ўзбекистон бозорида яқинда фаолият бошлади ва бизнинг ўзбекистонлик шерикларимиз билан самарали ҳамкорликдан умидимиз катта».

Польшанинг яна бир компанияси — «БУДИМЕКС» акционерлик жамияти Президенти Марек Михаловскининг табрик мактубида қуйидаги сўзлар бор: «Бу ғалаба Ўзбекистон Республикаси жамияти юксак билим ва тафаккур соҳиби эканлигидан ва изчил ривожланиб бораётганидан далолатдир. Ўзбекистондаги қурилиш дастурларида иштирок этиш орқали шундай ажойиб муваффақиятларга гувоҳ бўлаётганимиздан мамнунмиз».

Давлатимиз раҳбарига жаҳоннинг турли мамлакатларидан табрик мактублари келиши давом этмоқда.

ЎзА

«Умумармия ўйинлари-2004»

ҲАРБИЙЛАР БЕЛЛАШГАНДА

«Умумармия ўйинлари-2004» ҳарбий-спорт мусобақаси узоқликка югуриш ва футбол беллашувлари билан бошланди.

Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти полигонида 12 километр масофага югуриш бўйича ўтган баҳсларда ўн уч жамоа вакиллари иштирок этди. Маррага биринчи етиб келган Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти курсанти Азим Абдукаримов «Умумармия ўйинлари-2004» мусобақасининг илк олтин медалини қўлга киритди. Унинг сафдоши, курсант Элдор Шокиров маррага иккинчи бўлиб етди. Учинчи ўрин Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм кичик сержанти Санжар Ботировга насиб этди.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида эса футбол бўйича илк учрашувлар бўлиб ўтди. Марказий ҳарбий округ жамоаси ва Жиззах олий авиация билим юрти футболчилари ўртасидаги учрашув дуранг натижа билан якунланди. Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти ва Ички ишлар вазирлиги қоровул қўшинлари жамоалари ўртасидаги беллашув 4:1 ҳисобида танкчилар фойдасига ҳал бўлди. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ҳамда Тошкент ҳарбий округи жамоалари ўртасидаги баҳсда округ вакилларининг қўли баланд келди: 2:0.

Мусобақалар Марказий ҳарбий спорт клуби, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмларда ҳамда Қуролли Кучлар Бирлашган штаби спорт мажмуида давом этмоқда.

ЎзА

МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — УМУММИЛЛИЙ ВАЗИФА

Демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, озод ва обод мамлакат сифатида жаҳон ҳамжамиятига фаол интеграциялашишдек эзгу мақсадларимизга эришишнинг муҳим ва зарур шартларидан бири таълим соҳасини миллий қадриятларимиз ҳамда халқаро андозаларга мос равишда чуқур ислоҳ қилишдан иборатдир. Зеро, юксак марраларни кўзлаган ҳар қандай миллат, халқ учун таълимни ривожлантириш - ҳаёт ва мамот масаласи бўлиб келган.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб бу борада аниқ режали ва истиқболли сиёсат изчил амалга оширилмоқда. Ўтган даврда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, унинг талаблари муваффақиятли рўёбга чиқарилаётгани шундан далолатдир. Маърифий дунё эътибори ва эътирофини қозонган ушбу ноёб дастуриламал ҳужжат бугунги кунда ёш авлодга узлуксиз таълим бериш ва уни тарбиялаш жараёнини яхлит қамраб оладиган ягона таълим мажмуи ҳисобланади.

Шу билан бирга, бир неча ой илгари давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга кенг жорий этишга киришилди.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг маъно-моҳияти ва мақсади нималардан иборат? Президентимизнинг 2004 йил 19 февралдаги ушбу дастурни тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармойиши, 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармони, мазкур Фармон талаблари ижроси йўлида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2, 9 ва 15 июлда қабул қилинган қарорларнинг аҳамияти қандай?

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Туроб ЖЎРАЕВ билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири шулар ҳақида суҳбатлашди.

— Мустақиллик туфайли кўпдан-кўп хайрли ниятларимиз рўёбга чиқмоқда, — дейди Т.Жўраев. — Айниқса, ота-боболаримизнинг асрий орзу-армонлари ушалиб, халқимиз истиқлол неъматларидан баҳра олаётган мана шу дориломон замонда бошқа соҳалар қаторида таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, шу жумладан, мактаб таълимини тараққий эттириш ишларига ҳам давлатимиз раҳбари доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида ўтган даврда таълим соҳасига оид муҳим қонунлар, Президент фармон ва фармойишлари, ҳукумат қарорлари, махсус дастурлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ана шу ҳужжатларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши соҳада боскичма-боскич амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг моҳиятини ва самарадорлигини таъминламоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури негизида рўёбга чиқарилаётган кенг кўламли ишлар, таълим тизимига киритилаётган янгиликлар бугун нафақат юртимиз аҳлининг, балки хорижий экспертларнинг ҳам ушбу соҳага сазовор бўлмоқда. Ўтган даврда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Биргина мисол — узлуксиз таълим тизимида бутунлай янги бўғин — академик лицей, касб-ҳунар коллежлари вужудга келганининг ўзиёқ бу фикримизнинг яққол тасдиғи.

Айни чоғда, ушбу Миллий дастурда таълим тизимининг ҳар бир бўғини алоҳида ўрин ва масъулиятга эгалиги кўзда тутилган. Демак, дастурни тўлиқ амалга ошириш, кўйилган вазифаларга эришиш кўп ниҳоятдан ана шу бўғинларнинг ҳолати ва ривожланиш даражаси, ўзаро уйғунлиги имкониятлари қандай эканлигига боғлиқдир. Шу маънода, узлуксиз таълимнинг бошланғич босқич ҳисобланувчи мактаб таълими талаб даражасида эмас эди.

Тўғри, ўтган йиллар давомида таълим тизимида кечган ислоҳотлар самараси ўлароқ, ушбу вазифалар қайсидир маънода ечимини топди. Жумладан, таълимнинг турли бўғинлари ўртасида узвийлик ҳосил қилингани алоҳида диққатга сазовордир.

Янги дастуриламал ҳужжат — 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шарти сифатида мактаб таълимининг орқада қолишига барҳам бериш ҳамда мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф қилиш бош мақсад этиб белгиланган.

— Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури яратилишига сабаб бўлган асосий омиллар ва жараёнлар ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз.

— Мазкурватга интилиш - халқимизнинг азалий фазилатларидан бири. Фарзандларимизни билимдон, иродали бақувват, иймони мустаҳкам қилиб вояга етказиш, миллий истиқлол ғоясини улар қалби ва онгига сингдириш, ёт ва зararли ғоялар таъсиридан сақлаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш энг асосий вазифаларимиздан ҳисобланади. Бунда мактабларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Демак, мактаблар моддий-техника имкониятларини ошириш, уларни замонавий биналар, ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер ва адабиётлар билан таъминлаш, муаллим ва мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш масалаларига янада жиддий эътибор қаратиш зарур.

Мамлакатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган мажлисида соҳадаги мавжуд вазиятни танқидий таҳлил қилар экан, мазкур масала бўйича истиқболли махсус дастур тайёрлаш ғоясини илгари сурди. Юртбошимиз ўқитирганидек, мактабни битирган фарзандларимиз эртага олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларга ҳар тарафлама пухта билим ва тайёргарлик билан келиши зарурлигини асло унутмаслигимиз даркор.

2004 йил 19 февралда Президентимизнинг Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирларига доир фармойиши ўрнига янги мактаблар қуриш, уларни капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг асосий параметрлари ҳамда 2004 йилда бюджет маблағлари ҳисобига янги умумтаълим мактабларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг аниқ рўйхати, мактабларда спорт иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш параметрлари тасдиқланди.

Ана шу масъулиятли ва шарафли вазифалар талабидан келиб чиқиб, ҳозирги кунда ҳар бир туман миқосида альбомлар тайёрланди, туман хариталари яратилди. Беш йил давомида мавжуд жами 9 минг 727 мактабнинг 8 минг 476 тасида эски мактаб биналари ўрнига янгиларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари белгиланди. Жумладан, уларнинг 2 минг 69 таси жорий таъмирланса, 3 минг 769 таси капитал таъмирланади, 2 минг 313 та мактаб капитал реконструкция қилиниб, 325 таси янгидан қурилади.

Шу ўринда, янги қурилажак мактаблар, деганда фақат янги мактаб биналари қурилишинигина эмас, балки ана шу биноларнинг зарур ўқув жиҳозлари, компьютер техникаси билан тўлиқ янгидан жиҳозланиши ҳам кўзда тутилишини эслатиб ўтиш ноўринди. Яна бир эътиборли жиҳати шуки, ушбу таълим ўчоқлари ҳар бир ҳудуднинг шароитига мос ҳолда 12-18 ойда бунёд этилади.

Капитал реконструкция қилинадиган мактаблар сони ҳам шу тахлит йиллан-йилга ўсиб, 2009 йилга қадар 780 минг 391 ўқувчи ўрнига эга 2 минг 313 та мактабни қамраб олади. Бунда муайян қурилиш элементлари ҳисобига мактабнинг ички ва ташқи кўринишига ўзгартиришлар киритилади. Зарур жойларда спорт зали, ошхона ҳамда қўшимча биналар қуриш шулар жумласидандир. Бу турдаги юмушлар бажарилган мактаблар ҳам янги ўқув жиҳозлари, компьютер техникаси билан тўлиқ таъминланади.

Мактаб биносининг ички ва ташқи кўринишида 40 фоиздан 70 фоизгача ўзгартириш ясалиши зарур бўлган ишлар капитал таъмирга муҳтож мактабларда олиб борилади. Бундай юмушлар иншоотни тўрт ой ичида тоза ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш, иситиш тизимида амалга ошириладиган ишлар, бино томларини замонавий талаблар негизида таъмирлаш жараёнларини қамрайди.

Жорий таъмирлаш ишлари эса мактаб аҳволига қараб, 3 йилда бир марта амалга оширилади. Бундай ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган мактаблар охирги ўн йил ичида қурилган бўлиши керак.

— Мактаб таълимини ривожлантириш борасидаги ушбу хайрли ва савобли юмушларга ҳимматли ҳамюртларимиз ва ҳомий ташкилотлар, хориждаги дўстларимиз ҳамда хайрихоҳларимиз ҳисса қўшиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳам ҳисобга олинганми?

— Албатта. Оқсаройда ўтган мажлисда Юртбошимиз ана шу масалаларга батафсил тўхталиб, саховатли инсонлар ва ҳомийларнинг Давлат умуммиллий дастурини рўёбга чиқаришдаги иштирокини кенг рағбатлантириш зарурлигини таъкидлади.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 9 июлдаги қарори билан ушбу Дастурни амалга ошириш тадбирлари маъқулланди. Унда, хусусан, мактаб бинолари ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш ва реконструкция қилиш, мактабларни замонавий ўқув ва ўқув-лаборатория ускуналари ва дарсликлар билан жиҳозлаш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, мактабларни малакали педагоглар билан таъминлаш, мактаблар спорт базасини мустаҳкамлаш ва унда спортни ривожлантириш каби кўплаб тадбирлар, бу вазифаларни бажариш муддатлари ва ижрочи ташкилотлар белгиланган.

Мазкур қарорга мувофиқ 2004-2009 йилларда бузиб ташланадиган умумтаълим мактаблари ўрнига янги мактаблар қуриш, уларни капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг асосий параметрлари ҳамда 2004 йилда бюджет маблағлари ҳисобига янги умумтаълим мактабларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг аниқ рўйхати, мактабларда спорт иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш параметрлари тасдиқланди.

Ана шу масъулиятли ва шарафли вазифалар талабидан келиб чиқиб, ҳозирги кунда ҳар бир туман миқосида альбомлар тайёрланди, туман хариталари яратилди. Беш йил давомида мавжуд жами 9 минг 727 мактабнинг 8 минг 476 тасида эски мактаб биналари ўрнига янгиларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари белгиланди. Жумладан, уларнинг 2 минг 69 таси жорий таъмирланса, 3 минг 769 таси капитал таъмирланади, 2 минг 313 та мактаб капитал реконструкция қилиниб, 325 таси янгидан қурилади.

Шу ўринда, янги қурилажак мактаблар, деганда фақат янги мактаб биналари қурилишинигина эмас, балки ана шу биноларнинг зарур ўқув жиҳозлари, компьютер техникаси билан тўлиқ янгидан жиҳозланиши ҳам кўзда тутилишини эслатиб ўтиш ноўринди. Яна бир эътиборли жиҳати шуки, ушбу таълим ўчоқлари ҳар бир ҳудуднинг шароитига мос ҳолда 12-18 ойда бунёд этилади.

Капитал реконструкция қилинадиган мактаблар сони ҳам шу тахлит йиллан-йилга ўсиб, 2009 йилга қадар 780 минг 391 ўқувчи ўрнига эга 2 минг 313 та мактабни қамраб олади. Бунда муайян қурилиш элементлари ҳисобига мактабнинг ички ва ташқи кўринишига ўзгартиришлар киритилади. Зарур жойларда спорт зали, ошхона ҳамда қўшимча биналар қуриш шулар жумласидандир. Бу турдаги юмушлар бажарилган мактаблар ҳам янги ўқув жиҳозлари, компьютер техникаси билан тўлиқ таъминланади.

Мактаб биносининг ички ва ташқи кўринишида 40 фоиздан 70 фоизгача ўзгартириш ясалиши зарур бўлган ишлар капитал таъмирга муҳтож мактабларда олиб борилади. Бундай юмушлар иншоотни тўрт ой ичида тоза ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш, иситиш тизимида амалга ошириладиган ишлар, бино томларини замонавий талаблар негизида таъмирлаш жараёнларини қамрайди.

Жорий таъмирлаш ишлари эса мактаб аҳволига қараб, 3 йилда бир марта амалга оширилади. Бундай ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган мактаблар охирги ўн йил ичида қурилган бўлиши керак.

— Мактаб таълимини ривожлантириш мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф қилиш бош мақсад этиб белгиланган.

— Мустақиллик туфайли кўпдан-кўп хайрли ниятларимиз рўёбга чиқмоқда, — дейди Т.Жўраев. — Айниқса, ота-боболаримизнинг асрий орзу-армонлари ушалиб, халқимиз истиқлол неъматларидан баҳра олаётган мана шу дориломон замонда бошқа соҳалар қаторида таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, шу жумладан, мактаб таълимини тараққий эттириш ишларига ҳам давлатимиз раҳбари доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида ўтган даврда таълим соҳасига оид муҳим қонунлар, Президент фармон ва фармойишлари, ҳукумат қарорлари, махсус дастурлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ана шу ҳужжатларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши соҳада боскичма-боскич амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг моҳиятини ва самарадорлигини таъминламоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури негизида рўёбга чиқарилаётган кенг кўламли ишлар, таълим тизимига киритилаётган янгиликлар бугун нафақат юртимиз аҳлининг, балки хорижий экспертларнинг ҳам ушбу соҳага сазовор бўлмоқда. Ўтган даврда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Биргина мисол — узлуксиз таълим тизимида бутунлай янги бўғин — академик лицей, касб-ҳунар коллежлари вужудга келганининг ўзиёқ бу фикримизнинг яққол тасдиғи.

Айни чоғда, ушбу Миллий дастурда таълим тизимининг ҳар бир бўғини алоҳида ўрин ва масъулиятга эгалиги кўзда тутилган. Демак, дастурни тўлиқ амалга ошириш, кўйилган вазифаларга эришиш кўп ниҳоятдан ана шу бўғинларнинг ҳолати ва ривожланиш даражаси, ўзаро уйғунлиги имкониятлари қандай эканлигига боғлиқдир. Шу маънода, узлуксиз таълимнинг бошланғич босқич ҳисобланувчи мактаб таълими талаб даражасида эмас эди.

Тўғри, ўтган йиллар давомида таълим тизимида кечган ислоҳотлар самараси ўлароқ, ушбу вазифалар қайсидир маънода ечимини топди. Жумладан, таълимнинг турли бўғинлари ўртасида узвийлик ҳосил қилингани алоҳида диққатга сазовордир.

Янги дастуриламал ҳужжат — 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шарти сифатида мактаб таълимининг орқада қолишига барҳам бериш ҳамда мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф қилиш бош мақсад этиб белгиланган.

— Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури яратилишига сабаб бўлган асосий омиллар ва жараёнлар ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз.

— Мазкурватга интилиш - халқимизнинг азалий фазилатларидан бири. Фарзандларимизни билимдон, иродали бақувват, иймони мустаҳкам қилиб вояга етказиш, миллий истиқлол ғоясини улар қалби ва онгига сингдириш, ёт ва зararли ғоялар таъсиридан сақлаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш энг асосий вазифаларимиздан ҳисобланади. Бунда мактабларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Демак, мактаблар моддий-техника имкониятларини ошириш, уларни замонавий биналар, ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер ва адабиётлар билан таъминлаш, муаллим ва мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш масалаларига янада жиддий эътибор қаратиш зарур.

Мамлакатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган мажлисида соҳадаги мавжуд вазиятни танқидий таҳлил қилар экан, мазкур масала бўйича истиқболли махсус дастур тайёрлаш ғоясини илгари сурди. Юртбошимиз ўқитирганидек, мактабни битирган фарзандларимиз эртага олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларга ҳар тарафлама пухта билим ва тайёргарлик билан келиши зарурлигини асло унутмаслигимиз даркор.

2004 йил 19 февралда Президентимизнинг Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирларига доир фармойиши ўрнига янги мактаблар қуриш, уларни капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг асосий параметрлари ҳамда 2004 йилда бюджет маблағлари ҳисобига янги умумтаълим мактабларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг аниқ рўйхати, мактабларда спорт иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш параметрлари тасдиқланди.

Ана шу масъулиятли ва шарафли вазифалар талабидан келиб чиқиб, ҳозирги кунда ҳар бир туман миқосида альбомлар тайёрланди, туман хариталари яратилди. Беш йил давомида мавжуд жами 9 минг 727 мактабнинг 8 минг 476 тасида эски мактаб биналари ўрнига янгиларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари белгиланди. Жумладан, уларнинг 2 минг 69 таси жорий таъмирланса, 3 минг 769 таси капитал таъмирланади, 2 минг 313 та мактаб капитал реконструкция қилиниб, 325 таси янгидан қурилади.

Шу ўринда, янги қурилажак мактаблар, деганда фақат янги мактаб биналари қурилишинигина эмас, балки ана шу биноларнинг зарур ўқув жиҳозлари, компьютер техникаси билан тўлиқ янгидан жиҳозланиши ҳам кўзда тутилишини эслатиб ўтиш ноўринди. Яна бир эътиборли жиҳати шуки, ушбу таълим ўчоқлари ҳар бир ҳудуднинг шароитига мос ҳолда 12-18 ойда бунёд этилади.

Капитал реконструкция қилинадиган мактаблар сони ҳам шу тахлит йиллан-йилга ўсиб, 2009 йилга қадар 780 минг 391 ўқувчи ўрнига эга 2 минг 313 та мактабни қамраб олади. Бунда муайян қурилиш элементлари ҳисобига мактабнинг ички ва ташқи кўринишига ўзгартиришлар киритилади. Зарур жойларда спорт зали, ошхона ҳамда қўшимча биналар қуриш шулар жумласидандир. Бу турдаги юмушлар бажарилган мактаблар ҳам янги ўқув жиҳозлари, компьютер техникаси билан тўлиқ таъминланади.

Мактаб биносининг ички ва ташқи кўринишида 40 фоиздан 70 фоизгача ўзгартириш ясалиши зарур бўлган ишлар капитал таъмирга муҳтож мактабларда олиб борилади. Бундай юмушлар иншоотни тўрт ой ичида тоза ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш, иситиш тизимида амалга ошириладиган ишлар, бино томларини замонавий талаблар негизида таъмирлаш жараёнларини қамрайди.

Жорий таъмирлаш ишлари эса мактаб аҳволига қараб, 3 йилда бир марта амалга оширилади. Бундай ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган мактаблар охирги ўн йил ичида қурилган бўлиши керак.

— Мактаб таълимини ривожлантириш борасидаги ушбу хайрли ва савобли юмушларга ҳимматли ҳамюртларимиз ва ҳомий ташкилотлар, хориждаги дўстларимиз ҳамда хайрихоҳларимиз ҳисса қўшиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳам ҳисобга олинганми?

— Албатта. Оқсаройда ўтган мажлисда Юртбошимиз ана шу масалаларга батафсил тўхталиб, саховатли инсонлар ва ҳомийларнинг Давлат умуммиллий дастурини рўёбга чиқаришдаги иштирокини кенг рағбатлантириш зарурлигини таъкидлади.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 9 июлдаги қарори билан ушбу Дастурни амалга ошириш тадбирлари маъқулланди. Унда, хусусан, мактаб бинолари ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш ва реконструкция қилиш, мактабларни замонавий ўқув ва ўқув-лаборатория ускуналари ва дарсликлар билан жиҳозлаш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, мактабларни малакали педагоглар билан таъминлаш, мактаблар спорт базасини мустаҳкамлаш ва унда спортни ривожлантириш каби кўплаб тадбирлар, бу вазифаларни бажариш муддатлари ва ижрочи ташкилотлар белгиланган.

Мазкур қарорга мувофиқ 2004-2009 йилларда бузиб ташланадиган умумтаълим мактаблари ўрнига янги мактаблар қуриш, уларни капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг асосий параметрлари ҳамда 2004 йилда бюджет маблағлари ҳисобига янги умумтаълим мактабларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг аниқ рўйхати, мактабларда спорт иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш параметрлари тасдиқланди.

Ана шу масъулиятли ва шарафли вазифалар талабидан келиб чиқиб, ҳозирги кунда ҳар бир туман миқосида альбомлар тайёрланди, туман хариталари яратилди. Беш йил давомида мавжуд жами 9 минг 727 мактабнинг 8 минг 476 тасида эски мактаб биналари ўрнига янгиларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари белгиланди. Жумладан, уларнинг 2 минг 69 таси жорий таъмирланса, 3 минг 769 таси капитал таъмирланади, 2 минг 313 та мактаб капитал реконструкция қилиниб, 325 таси янгидан қурилади.

Шу ўринда, янги қурилажак мактаблар, деганда фақат янги мактаб биналари қурилишинигина эмас, балки ана шу биноларнинг зарур ўқув жиҳозлари, компьютер техникаси билан тўлиқ янгидан жиҳозланиши ҳам кўзда тутилишини эслатиб ўтиш ноўринди. Яна бир эътиборли жиҳати шуки, ушбу таълим ўчоқлари ҳар бир ҳудуднинг шароитига мос ҳолда 12-18 ойда бунёд этилади.

Капитал реконструкция қилинадиган мактаблар сони ҳам шу тахлит йиллан-йилга ўсиб, 2009 йилга қадар 780 минг 391 ўқувчи ўрнига эга 2 минг 313 та мактабни қамраб олади. Бунда муайян қурилиш элементлари ҳисобига мактабнинг ички ва ташқи кўринишига ўзгартиришлар киритилади. Зарур жойларда спорт зали, ошхона ҳамда қўшимча биналар қуриш шулар жумласидандир. Бу турдаги юмушлар бажарилган мактаблар ҳам янги ўқув жиҳозлари, компьютер техникаси билан тўлиқ таъминланади.

Мактаб биносининг ички ва ташқи кўринишида 40 фоиздан 70 фоизгача ўзгартириш ясалиши зарур бўлган ишлар капитал таъмирга муҳтож мактабларда олиб борилади. Бундай юмушлар иншоотни тўрт ой ичида тоза ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш, иситиш тизимида амалга ошириладиган ишлар, бино томларини замонавий талаблар негизида таъмирлаш жараёнларини қамрайди.

Жорий таъмирлаш ишлари эса мактаб аҳволига қараб, 3 йилда бир марта амалга оширилади. Бундай ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган мактаблар охирги ўн йил ичида қурилган бўлиши керак.

— Мактаблар таълимини ривожлантириш ва ҳомий ташкилотлар, хориждаги дўстларимиз ҳамда хайрихоҳларимиз ҳисса қўшиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳам ҳисобга олинганми?

— Албатта. Оқсаройда ўтган мажлисда Юртбошимиз ана шу масалаларга батафсил тўхталиб, саховатли инсонлар ва ҳомийларнинг Давлат умуммиллий дастурини рўёбга чиқаришдаги иштирокини кенг рағбатлантириш зарурлигини таъкидлади.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 9 июлдаги қарори билан ушбу Дастурни амалга ошириш тадбирлари маъқулланди. Унда, хусусан, мактаб биноларини ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш ва реконструкция қилиш, мактабларни замонавий ўқув ва ўқув-лаборатория ускуналари ва дарсликлар билан жиҳозлаш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, мактабларни малакали педагоглар билан таъминлаш, мактаблар спорт базасини мустаҳкамлаш ва унда спортни ривожлантириш каби кўплаб тадбирлар, бу вазифаларни бажариш муддатлари ва ижрочи ташкилотлар белгиланган.

Президентимиз Фармонида мактаб таълимини ривожлантиришдек эзгу мақсад йўлида ҳомийлик ёрдами кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини молиялаш учун мақсадли йўналтирилган ҳомийлик маблағлари даромад (фойда) солиғини ҳисобланда солиққа тортиладиган базадан чегириб ташланиши назарда тутилган. Бу ушбу йўналишдаги мақсад ва ҳайрли юмушларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишига яна бир мисолдир.

— Курилиш ёки таъмирлаш ишлари таълим жараёнига халақит бермайдими?

— Саволингиз жуда ўринли. Янги мактаб қуриш ва уларни таъмирлаш, қайта жиҳозлаш ишлари, аслида, муайян вақт талаб қилувчи юмушлардир. Айни чоғда, таълим учун замонавий шарт- шароит яратамиз, деб мактабларда ўқув жараёнини тўхтатиб қўйиш мумкин эмас. Бу муаммонинг олдини олиш учун вазирлигимиз томонидан ҳар бир туманнинг маъмурий чегара хариталари ишлаб чиқилди. Хариталарда ҳар бир мактабнинг жойлашуви, уларда қанча муддатда, қандай ишлар амалга оширилиши кераклиги аниқ белгиланган.

Мисолларга мурожаат этайлик. Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида жами 92 та умумий ўрта таълим мактаби бўлиб, уларнинг 62 тасида турли кўринишдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши назарда тутилган. Яъни, 2004-2009 йиллар оралиғида туманда 2 та янги мактаб қурилади, 22 та таълим масканида капитал реконструкция, 30 тасида капитал ҳамда 10 тасида жорий таъмирлаш ишлари бажарилади. Жумладан, бу йил туманнинг Жамбил қишлоғидаги 450 ўқувчи ўрнига эга 3-мактабда капитал реконструкция ишлари амалга оширилади. Ушбу мактаб биноси 1938 йили хом ғиштдан қурилгани боис, унга 8 та синфхонага эга янги қўшимча бино, спорт зали қуриб бериш режалаштирилган.

Кўриниб турибдики, бу ишларни ўқувчиларнинг уч ойлик ёзги таътилида бажариб улгуришнинг ўзи ёки ўқ. Шу ўрнис қурилиш ишлари бораётган даврда Жамбилдаги мактаб ўқувчилари энг яқин масофада — қўшни Қатағон ва Халқобод қишлоқларида жойлашган мактабларда ўқишни давом эттиради.

Бундай вақтинча чоралар, ўйлаймизки, қурилиш-таъмирлаш ишлари даврида ўқувчиларнинг билим олишида узилиш бўлмаслигини таъминлашда қўл келади.

— Мактабларда, вақтинча бўлса-да, ўқувчилар сонининг бирданига бундай ортиб кетиши таълим сифатига таъсир этмасмикан?

— Бу масалани ҳам атрофлича ўрганиб чиқдик. Таҳлилларга қараганда, яна ўша ҳудуд мисолида, Қатағон қишлоғидаги 5 мактаб 460 ўринли бўлиб, унда бугунги кунда 535 нафар ўқувчи фақат 1 сменада таҳсил олади. Халқобод қишлоғидаги 17-мактаб эса 700 ўринга мўлжалланган ҳолда 986 нафар ўқувчи қатнайди.

Агар жамбиллик 433 нафар ўқувчининг 200 нафари 5-мактабдаги ўқувчилар сафига қўшилса, 460 ўринли мактабда жами 735 нафар ўқувчи 2 сменада вақтинча таҳсил олиб туриши мумкин бўлади. Қурилиш ишлари бошланган мактабнинг қолган ўқувчилари 17-мактабда маълум муддат ҳудди шу тартибда ўқиши учун шароит бор.

Албатта, бу ҳол ўқиш-ўқитиш жараёнида муайян муаммолар, қийинчилик ва чекланишларни юзага келтириши табиий. Масалан, ўқувчилар учун қўшимча машғулотлар, тўғарак ишлари олиб борилиши бўйича муайян қийинчиликлар туғилиши эҳтимолдан холи эмас. Шу боис мазкур жараёнларга алоқадор барча мутасадди ва мутахассислар ҳар бир ишни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириши муҳим аҳамият касб этади.

Мактаб таълими ислоҳотида қурилиш ва таъмирлаш ишларидан ташқари, ушбу билим ўчоқларини замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарслик ва ўқув услубий материаллари билан таъминлаш ишларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Мавжуд мактабларнинг компьютер техникасига бўлган эҳтиёжини қондириш учун 8 минг 578 компьютер синфи ташкил этиш режалаштирилган. Бунда, ҳар бир компьютер синфи камида 10-12 тагача замонавий компьютер мажмуидан иборат бўлиши мўлжалланмоқда.

Синф хоналарининг жиҳозланиши бўйича таҳлиллар мактабларни ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш ҳолати аниқ 29 фоизни ташкил этишини кўрсатди. Бу муаммони ҳал этиш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирларга мувофиқ беш йиллик муддат давомида мавжуд мактаблардаги 16 минг 187 та турли фанлар хоналари босқичма-босқич жиҳозланади.

— Янги қурилган ёки таъмирланган мактабларни ким қабул қилиб олади? Айтмоқчимизки, «эгасига етгунча» қабилида иш бажариб, сўнгра «қабул қилдириш» йўлини излашнинг олдини олиш чоралари кўрилганми?

— Албатта. Янги қурилган, капитал реконструкция қилинган умумтаълим мактаблари объектларини қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси тузилиб, унинг таркибига Халқ таълими, Иқтисодиёт ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Даврхитектқурилиш» қўмитаси каби алоқадор ташкилотларнинг раҳбарлари киритилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 9 июлдаги қарорига кўра, Давлат комиссияси томонидан янги қурилган ва капитал реконструкция қилинган мактаблар объектларини қабул қилиш тасдиқланган сифат стандартларига ва намунавий лойиҳаларга қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши шарт.

Архитектура-қурилиш назоратини амалга ошириш ваколати берилган органлар муайян стандартлар ва намунавий лойиҳалардан четга чиқиш ҳолларини аниқласа, сифатсиз бажарилган қурилиш- монтаж ва таъмирлаш ишлари қиймати миқдоридаги иш ҳажмлари қурилиш қийматидан чиқарилади ёки камчиликлар айбдор томоннинг маблағлари ҳисобига бартараф этилади. Бундай чора ҳам қурилиш ва таъмир ишлари сифатини таъминлашга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хузуридаги Ғарбий буюртмачи хизматига «Даврхитектқурилиш» қўмитаси вакиллари бириктириб қўйилди. Улар зиммасига мактаб объектларида бажариладиган ишларнинг тасдиқланган намунавий лойиҳаларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқлигини таъминлаш масъулияти қаралади.

— Ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиши қандай кечади?

— Вазирлигимиз томонидан юртимиз олимлари, тажрибали амалиётчи ўқитувчилардан иборат Умумий ўрта таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари ҳамда ўқув-методик материалларини экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт гуруҳи ташкил этилган.

Ушбу гуруҳ ҳозир амалдаги умумий ўрта таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли изланишлар олиб бормоқда. Гуруҳ зиммасига бошланғич ва умумий ўрта таълим ўқув фанлари бўйича давлат таълим стандартлари асосида ҳар бир синф учун ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган минимал талабларни қайта кўриб чиқиш ва экспертиза натижалари асосида уларни такомиллаштириш вазифаси юкланган.

Аминмизки, таълим сифатини таъминлашда бу каби омилларнинг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Лекин, муаммо шунинг ўзи билан ечим топмаслигини ҳам яхши биламиз. Айни чоғда ўқитувчилар фаолияти, малака таснифи ва юкланмаси меъёрига қўйилган талаблар таҳлил қилинаётир. Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларида белгиланган ўқув юкламалари қайта кўриб чиқиляпти.

Уларни санитария-гигиена меъёрлари ва ўқувчининг ўзлаштириш имкониятига мослаштириш бўйича изчил иш олиб боряпмиз.

Такомиллаштирилган давлат стандартлари талаблари асосида яратилажак дарслик ва ўқув қўлланмаларини 2005-2009 йилларда нашр этиш ва жойларга етказиш масаласи ҳам ғоят долзарбдир. Бу даврда жами 62 миллион 228 минг нусхадаги янги дарслик ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш кўзда тутилган. Табиийки, бу жараён ҳам боскичма-боскич кечади.

— Таълим сифати кўп жиҳатдан ўқитувчининг малакаси, билим ҳамда тажрибасига ҳам боғлиқ.

— Тўғри. Ўқитувчилик - масъулиятли ва машаққатли

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўз ўйланиб доно бўлур...

● Фақат ўзини ўйлайдиган ҳамма нарсадан ўзига манфаат излайдиган одам бахтли бўлолмайди. Ўзинг учун яшамоқни истасанг, бошқалар учун яша.

● Бир бой одам донишмандлардан бирига:

— Мен сизга юз сўм ҳадя қилмоқчиман, сиз бунга нима дейсиз? — деди.

Донишманд шундай жавоб берди:

— Ҳадя қилсанг, ўзинг учун яхши, ҳадя қилмасанг, мен учун яхши. Чунки менга пул берганингдан кейин ҳар кимга: «Фалон донишмандга юз сўм ҳадя қилганман», деб айтасан, миннат қилиб юришингдан қутулиб қолган бўламан.

Байт:

Кутма дардингга даво,
пасткаш, қурумсоқ
кимсадан,
Ким чиён ниши билан
олғай оёқлардан тикан?

● Олимлардан Муҳаммад ибн Аҳмад айтади:

— Нодон киши кўнглига нима келса, шуни ишлашга киришади. Ишининг оқибати нима бўлишини ўйламайди, тажриба қилинмаган, синалмаган, одамнинг сўзига ишониб иш олиб бораси, ўзига ишонч кўп бўлади. Мақтаганни хуш кўради, бир нарса тўғрисида сўрасалар шошилиб жавоб беради. Маърифатдан холи, бўш ва хатоси кўп бўлади, ўнгга ва чапга кўп қарайди, мутакаббир ва мағрур бўлади, ножўя сўзлардан сўзлашдан тортинмайди, тили аччиқ бўлади, оғзидан ширин сўз чиқмайди, айтилган сўзга тушунмайди, кулса қаттиқ кулади, йиғласа қичқириб йиғлайди.

Мана шу каби ярамас одатларга эга бўлган кишиларга нодон одам дейилади.

Байт:

Донога ёндошгил, қоч
нодондан сен,
Ҳатто у хавфлидир доно
душмандан.

● Хушмуомалалик ва камтарлик кишининг чинакам маърифатлигидан дарак беради.

● Қўполлик — руҳий қашшоқлик.

● Ахлоқий босиқлик — эзгуликдир.

● Эй фарзанд, тавозели ва адабли одам халқнинг муҳаббатини ўзига жалб қилади, дўстлик гулшанида ёрқинлик гулларини очилтиради ва у гулшандан яқинлик, меҳрибонлик ва улфат базмида ҳар хил хушҳидли гуллар сочади. Мутакаббирга юмшоқлик томон йўл кўрсатади.

● Тавозе ва адаб ёши кичикларни катталар дуосига сазовор қилади, катталар кўнглига кичикларнинг меҳр-муҳаббатини солади. Адабли ва тавозели ёшни халқ қадрлайди. Мутакаббир, фақат ўз манфаатларини кўзловчилар жоҳил ва нодонлар адаб, тавозе нуридан маҳрумдирлар.

● Ақлли одам шундай одамки, қийин вазиятдан осонгина қутулиб кетади. Доно шундай одамки, қийин вазиятга асло тушмайди.

● Бир улуғ киши айтади: «Кишининг қалбида тўрт гавҳар бўлиб, бу тўрт гавҳарнинг тўртта душмани ҳам бўлади. Биринчиси — ақл гавҳаридир. Унинг душмани — ғазабдир. Иккинчиси — илм гавҳари, унинг душмани — такаббурликдир. Учинчиси — қаноат гавҳари. Унинг душмани — ҳирсдир. Тўртинчи — сахийлик гавҳари. Унинг душмани — таъна-дир.

Байт:

Ширин сўзли шилгай
душман пўстини,
Дағал сўзли душман
қилур дўстини.

Ҳисобот-сайлов конференциялари

ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 июндаги 299-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу давлат ҳужжатлари хотин-қизлар қўмиталарининг иш фаолиятини янада такомиллаштириш, камчиликларни бартараф этиш ҳамда белгиланган асосий йўналишларни бажаришда хотин-қизлар қўмиталарининг ҳаракат дастурида асосий манба бўлиши лозим.

Ўтган куни Бектемир туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитасининг III ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Йиғилишда хотин-қизларга давлатимиз томонидан берилаётган эътибор ва имкониятлар, оналар ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий маънавий-маърифий муаммоларини ҳал қилиш борасида кўрсатилаётган ғамхўрликлар алоҳида таъкидланди.

Ҳисобот жараёнида шу нарса маълум бўлдики, туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан фуқаролардан келган ариза ва шикоятларга, оғзаки мурожаатларга жиддий эътибор қаратилган. Ушбу муаммоларни ҳал этишда ҳамкорликда иш олиб борилиб, қўмита томонидан 18 га яқин оила бузилишининг олди олинган. Айтиш жоизки, эришилган ютуқлар билан бир қаторда туман хотин-қизлар қўмитаси фаолиятида баъзи камчилик ва муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Туманда тиббий-ижтимоий патронаж тизимини жорий этиш масаласи ҳам бирмунча оқсамоқда. Ҳозирда тумандаги ҳар бир маҳаллада яшайдиган оилалар таҳлили ўтказилиб, маҳаллаларга бириктирилган ишчи гуруҳлари ёрдамида аҳоли 4 гуруҳга бўлиб ўрганилмоқда. Лекин бу борадаги ишларни кўнгилдагидек деб бўлмайди.

Анжуманда сўзга чиққан Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти мудири Танзила Норбоева, 289-мактаб директори Муқаддас Аҳмедова, Бектемир туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ходими Шоира Алиева ва бошқалар аёллар ўртасидаги жиноятчилик ҳоллари, вояга етмаган болаларнинг турли жиноятларни содир этишини камайтириш, оилалар ажрими, диний ақидапарастликнинг олдини олиш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшларнинг турли оқимлар таъсирига кириб қолиш ҳолатларининг олдини олишда оилада оналар, жойларда аёллар масъулияти ва фаоллигини янада ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. Айниқса, оилавий спортни ривожлантириш, ишсизликни камайтириш, ноқобил оилалар муаммоларини ҳал этиш, шунингдек ҳар бир оилага чуқурроқ кириб бориш сингари долзарб вазифаларни бажариш хотин-қизлар қўмиталарининг муҳим ва устувор вазифаларидан эканлиги қайд этилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида ташкилий масалалар кўрилди. Бектемир туман хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятига бир овоздан қониқарли баҳо берилиб, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасига Қундуз Сайдалиева қайта сайланди.

Анжуманда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова сўзга чиқиб, эндиликда янги сайланган таркиб аъзолари ҳамкорликда ўз мақсад ва вазифаларини белгилаб олишлари, шунингдек, Президент Фармонларидан келиб чиқиб, энг устувор вазифалар бўйича уюшмаларга бириккан ҳолда иш олиб боришлари зарурлигини айтиб ўтди.



Конференцияда Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов қатнашди.

* * *

Шу куни Миробод туман ҳокимлигида ҳам туман хотин-қизлар қўмитасининг III ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Анжуман кун тартибига асосан Миробод туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Муҳаббат Зоҳидованинг 2000-2004 йилнинг июль ойигача қилинган ишлар бўйича ҳисоботи тингланди.

Миробод туманида бугунги кунда аҳоли сони 122677 нафар бўлса, шулардан 63088 нафарини аёллар, оилалар сони эса 45439 тани ташкил этади. Туманда 120 та хотин-қизлар қўмитасининг бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Ўтган давр мобайнида туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг моддий ва маънавий турмуш шароитини яхшилаш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, қизларни турмушга тайёрлаш, соғлом оилаларни шакллантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилган. Айтиш жоизки, эришилган ютуқлар билан бир қаторда туман хотин-қизлар фаолиятида баъзи камчилик ва муаммолар ҳам йўқ эмас. Улар таҳлили орқали туғиш ёшидаги аёллар ўртасида етарли даражада иш олиб борилмаётганлиги, ҳар бир оилага чуқур кирилмаганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, аёллар ва қизлар ўртасида жойларда ҳуқуқий, маънавий ва маърифий ишлар лозим даражада олиб борилмаётганлиги ҳам ойдинлашди. Кам таъминланган оилалардаги аёллар ва турмуши бузилган қизлар эътибордан четда қолмоқда. Юқоридаги факт ва рақамлар устида таҳлилий хулосалардан амалий ишга ўтиш зарур. Чунки ҳар бир рақамнинг ортида аёл, она, оила бекаси турибди.

Ҳисобот-сайлов конференциясида Миробод тумани ҳокими Азиз Тўраев, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти хотин-қизлар қўмитасининг раиси Саида Аъзамхўжаева, «Байналмилал» маҳалласи фаоли Лидия Побидимова ва бошқалар сўзга чиқиб амалга оширилаётган ишларга танқидий ёндошиб, Фармон ижросини таъминлаш борасида келгусида қилинадиган ишларга янада масъулият билан ёндошиш зарурлигини айтиб ўтишди.

Анжуманда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов ётоқхоналардаги талабаёшларнинг ҳаётига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги, Президентимиз Фармонларида белгиланганидек хотин-қизлар қўмиталари ишини янада қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, давлат ва жамият қурилишидаги ролини ошириш каби масалаларга тўхталиб ўтди ҳамда хотин-қизлар қўмиталарининг олдида оилаларни мустаҳкамлаш, аёлларни ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳимоялаш, уларни соғломлаштиришга эътиборни кучайтириш каби долзарб вазифалар турганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Конференциянинг кун тартибига биноан ташкилий масалалар кўрилди. Анжуманда шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг конференциясига делегатлар сайланди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, эришилган ютуқлар ва камчиликлар таҳлилига кўра, туман хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятига қониқарли баҳо берилди. Миробод туман хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасига бир овоздан Муҳаббат Зоҳидова сайланди.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: Миробод туман хотин-қизлар қўмитасининг III ҳисобот сайлов конференциясидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Биласизми?

ОИТС: ОҒИРЛИК МАРКАЗИ ЎЗГАРМОҚДА

Яқин вақт ичида Евроосиё минтақасида ОИТСнинг олдини олишга қаратилган чоралар такомиллаштирилмаса, бу ҳудуддаги мамлакатлар касалликка чалинганлар сони бўйича Африка қитъасидан ўзиб кетиши мумкин. Айни пайтда дунёда ОИТС билан оғриган 38 миллион одамнинг учдан бир қисми Африка қитъаси мамлакатларига тўғри келади. Жанубий Африка Республикаси (ЖАР) эса ОИТС энг тез суръатда тарқалаётган давлатдир.

АҚШда чоп этиладиган «Ньюсуик» ҳафтаномасида ёзилишича, ҳозир Россияда тахминан бир миллион одам ОИТСга чалинган. Касалликнинг тарқалиши бўйича Россия дунёдаги етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Минтақанинг яна бир мамлакати Хитойда ҳам аҳвол шунга ўхшаш. Ҳиндистонда эса айни пайтда 5 миллион киши ОИТС билан оғримоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, яқин орада Ҳиндистон касалликнинг тарқалиш суръати бўйича ЖАРдан ўтиб кетади.

АҚШнинг разведка бўйича кенгаши маълумотларига кўра, вазият шу йўсинда ривожланса, 2010 йилга бориб Хитой, Ҳиндистон ва Россияда ОИТСга чалинганлар сони 35-40 миллионга етади.

Мутахассисларнинг айтишича, Хитой ва Ҳиндистон бўйича тахминлар тўғри чиқса, яқин беш йил ичида Евроосиёда нафақат ижтимоий, балки иқтисодий вазият ҳам издан чиқиши мумкин. АҚШ ишбилармонлик институти тадқиқотчиси Николас Эберштадтнинг фикрига кўра, ОИТСнинг ҳозирги тарқалиш суръати сақланиб қолса, 2025 йилга бориб, Ҳиндистон ва Россияда иқтисодий ўсиш 40 фоизга камаяди. Хитой иқтисодиёти эса 33 фоизни «йўқотади». Бунинг оқибатида жаҳон иқтисодиёти ҳам катта зарар кўриши аён.

ОИТС иқтисодиётга қандай таъсир ўтказиши мумкинлиги Африка мисолида яққол намоён бўлади. Замбия ва ЖАРда ОИТС билан оғриган одамнинг ойлисидаги даромад 60-80 фоиз камайган. Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига қараганда эса, ОИТС туфайли Африканинг экваторга яқин ва жанубий мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръати йилига икки фоизга камаймоқда.

Африкани «ютиб» юбораётган ОИТС секин-аста Евроосиёга яқинлашиб келаётган бир пайтда Таиланд бу балога қарши самарали курашиш мумкинлигини амалда исботлади. 1991 йили бу ерда йилига 140 минг одам ОИТСга чалинар эди. 2003 йилга келиб бу кўрсаткич йилига 20 мингга тушди. Демак, ОИТСга қарши туриш, унинг олдини олиш мумкин экан.

2004 — Меҳр ва мурувват йили

ЯХШИЛАР БОР БЎЛСИН

Меҳр-мурувват ўзи нима деган саволнинг туғилиши табиий. Меҳр-мурувват, бу — юракдан-дилдан инсонларнинг бир-бирларига қиладиган яхшилик — эзгуликларидир.

Меҳр-мурувват бўлмаган жойда инсонлар ўртасида бир-бирларига нисбатан ҳурмат ҳам бўлмайди. Бундай инсонлар ўртасида яхшиликка интилиш, бунга эришиш қийин. Меҳр-мурувватнинг катта-кичиги бўлмайди. Масалан, бир сўз билан айтганда, иши юришмай қолганда, ёки ойлисида айрим сабабларга биноан тинчлиги бўлмаганда, бу инсонга ўзининг самимий, дилдан чиқариб, кўнглини кўтаришга, ёки ойлисининг тинчиб кетишига ўзининг ҳаракатлари, маданий муомаласи билан ёрдам берган кишиларни меҳр-мурувватли инсонлар қаторига киритиш мумкин. Айрим шахслар меҳр-мурувватни бошқача тушунади. Катта тўй ёки маросимларни ўтказган инсонлар олдида лаганбардорлик қилиб дабдабабозликни олқишлаб эгасини роса қўли очиқ, сахий, мурувватли экан, деб олқишлашади.

Юқорида таъкидланганидек, меҳрли одам кишига қандай яхшилик қилмасин, у катта маънавиятга эга бўлган инсон ҳисобланади.

Айримлар катта иқтисодий ёрдам бериб меҳр-мурувват қилиши мумкин. Ёки арзимас ширин сўз, маданий муомала билан кўнгил кўтариш орқали ҳам кўпчиликка меҳр-мурувват қилиб, инсонлардаги бир-бирларига бўлган ҳурматни ошириши ҳам мумкин. Мана шундай инсонлардан «Беруний» маҳалласида истиқомат қилувчи Қутбиҳон ая Аюповани кўрсатиш мумкин. Аянинг ойласи ўқитувчилар ойласи бўлиб бир ўғил, уч қизни олий маълумотли қилиб вояга етказганлар. Аянинг ёшларга берган энг яхши таълимлари, бу меҳр-мурувват улашиш, ёшлар қалбида эзгулик уйғотишдир.

Авваламбор ая эзгуликни, меҳр-мурувватни фақат ёнида яшаб турган қўни-қўшнилар, бирга ишлаб ёки ўқиб юрган дугоналаридан бошлашини насиҳат қиладилар. Аянинг бир қўшнилари узоқ вақт хасталаниб ётиб қолди, бир ўғил, ёлғиз келин, неваралар ўқиш-ишдан ортишмади. Келин касал боқишни хуш кўрмади. Бемор она кўпинча ёлғиз қолар эди. Ая бўш вақтлари бўлиши билан бемор қўшнининг чой-овқатидан кунда бир неча бор хабар олиб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор, бу билан ёшларга ўрнак бўлдилар. Маҳалладаги аёллар қандай ёшда бўлишидан қатъи назар, улар билан маслаҳатлашиб иш тутишади. Аянинг энг яхши одатлари, бу — ёшларга берган таълимлари, меҳр-мурувват улашишни тарк этмасликларидир. Масалан, Ҳайит, Наврўз, Мустақиллик ва бошқа байрамларда ёшларни икки-учтадан бўлиб ўз тенгдошлари билан қарияларни, беморларни кўриб чиқишга ундайдилар. Ёшларни бир-бири билан иноқ, сабр-тоқатли бўлишга, оналарни эса болалар тарбиясига эътибор билан қарашларини такрорлайдилар.

Ҳа, ҳар ким қўлидан келганча атрофдагиларга меҳрли-мурувватли бўлиб яхшилик қилиши лозим. Қўлимиздан келган ёрдамни аямайлик, катта маблағлар билан ёрдам қила олмасакда, ширин сўз, ширин муомала билан бир-биримиздан хабар олиб, ўзаро меҳр-оқибатни кучайтирайлик. Орамизда ибрат оладиган яхши инсонлар кўпаяверсин.

Раъногон РАҲИМБЕКОВА

Мулоҳаза

ГЎЗАЛ МУОМАЛА — ИНСОН ЗИЙНАТИ

Муомала инсоннинг кўрки, дейишади машойихларимиз. Халқимизда одамлар билан муносиб тарзда муомала қила билишлик маданият, олижаноблик аломати, деб тушунилади. Шарқда эса энг гўзал муомала лутф-карам ҳисобланади. Жумладан, Навоий бобомиз буни муомала инсонга пардоз деб таъриф берганлар.

Муомала маданиятида энг аввало халқимизнинг болажонлиги, ойланинг муқаддас билиши тушунилади. Ўзбекларда ҳам бошқа маданий халқларда бўлгани сингари муомала «Ассалому алайкум» ва «Ваалайкум ассалом»дан бошланади, кейин эса ҳол-аҳвол сўрашишга ўтилади.

Ривоят қилишларича, икки қўшни бир парча ерни талашиб қолишибди.

— Бу ер меники, — дебди бири.

— Йўқ, бу ер меники, — дебди иккинчиси.

Шунда ердан садо чиқиб:

— Иккових ҳам меники, — дебди.

Бу садо туфайли икки қўшни ҳаҳолат отидан тушиб, охиратини ўйлаб қолишибди-да, муросага келишибди. Дарҳақиқат, одамлар орасида муросага келиш, улар маданиятининг юксаклигини кўрсатади.

«Ён қўшни — жон қўшни», «Қўшнинг тинч, сен тинч», «Гилам сотсанг қўшнингга сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан», «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши» деган нақлар борки, юқорида келтирилган ривоятдаги сингари бир парча ерни талашиб, муросасизликка юзланиш бизнинг миллий хусусиятимизга хос эмас.

Арзимаган воқеа сабаб, одамларнинг муомала, нутқ маданиятидан чиқиб кетишлари маънавиятимиз кўзгусининг бир четини «дарз» кеткизмайдими?

Ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг бир ибратли ҳикматлари бор.

Одам борки,
одамларнинг нақшидир,
Одам борки, ҳайвон
ундан яхшидир.

Яъни, хушхулқ одамларнинг муомаласи ўлароқ халқимизда оқибатлилик кўпаяди, жамият равнақ топади. Ҳайвондан ҳам баттар бадфеъл шахсларнинг эса ҳеч қачон бири икки бўлмайди. Шундай экан, бир-биримизга мулойимроқ бўлайлик, азизлар!

Юлдуз УСМОН

"ИШЛАБ ТОП!"

Жаноб тадбиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!

Биз навқирон, иқтидорли, ғайратга тўла ёшларміз. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва кўмагингиз етишмаяпти. Ғайрат ва тажрибани бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг қисқа йўл.

KAMOLOT TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI

Тошкент шаҳар "КАМОЛОТ"и тадбиркорларга "Ишлаб топ" ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини таклиф қилади.

Қўшимча маълумотларни

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин. Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz
Www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тадбиркорларга "Тасвир" нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳаланасангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

Спорт

ШАХМАТЧИЛАР ДОНА СУРАДИ

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида шу йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтадиган Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Журналистлар ва Ўзбекистон шахмат федерациясининг вакиллари иштирокида ўтказилган анжуман жонли мулоқот, қизиқарли саволжавобларга бой тарзда ўтди. Унда Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган терма жамоамиз аъзоларининг номлари ҳам эълон қилинди.

Шахмат мухлисларига шуни маълум қиламизки, нуфузли халқаро мусобақаларда мамлакатимиз эркаклар терма жамоаси таркибидан Рустам Қосимжонов ва Сайдали Йўлдошев каби халқаро гроссмейстерлар, халқаро мастер Владимир Егин, шунингдек, ёш, умидли шахмат устаси Тимур Гареевлар ўрин олган бўлса, аёлларимиз жамоаси сафларида халқаро мастерлардан Ирода Ҳамроқулова, Анжела Хегай ва Ольга Собировалар дона суришади.

Биз кучли таркибга эга бўлган ватандошларимизга шахмат олимпиадасида омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида қояга чиқиш бўйича Марказий Осиё кубоги очиқ турнири мусобақалари бўлиб ўтди.

Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ҳамда россиялик саксон нафар қояга чиқиш усталари ғалаба учун кураш олиб борди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу халқаро мусобақаларда ҳамюртларимиз муваффақиятли қатнашишди.

Хусусан, 1986 йилда туғилган ва ундан катта ёшдаги катта гуруҳдаги спортчилар ўртасида Руслан Утямишев қояга чиқиш мураккаблиги ва кўпкураш баҳсларида кумуш нишонларни қўлга киритган бўлса, тез чиқиш бўйича учинчи бўлди. Виктор Тен эса қояга чиқиш мураккаблиги бўйича бронза нишонининг соҳиби бўлди.

1989 йилда туғилган ва ундан ёш қатнашчилар ўртасида эса Виктор Ткачёв тенгсиз маҳорат кўрсатди. У рақибларидан анча устун ҳолда кўпкураш баҳсларида ғолиб чиқди ва қояга тез чиқиш баҳсида ҳам биринчи бўлди.

Марказий Осиё очиқ кубогининг иккинчи босқич мусобақалари шу йил сентябрь ойининг охирларида Тошкент вилоятида ўтказилади.

(Ўз мухбиримиз)

Абитуриент — 2004

ҚАБУЛ ЖАРАЁНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шу кунларда республикамизнинг барча коллеж ва лицейлари қатори шаҳримиздаги Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежида ҳам абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш жараёни қизғин давом этмоқда.

Шуни айтиш керакки, ушбу коллежда йигит-қизларимиз бир қатор замонавий касб-ҳунар малакаларини эгаллашлари мумкин. Хусусан, ўқув масканида компьютер ва офис жиҳозларини таъмирлаш ва жиҳозлаш, ЭҲМ ва компьютер тармоқларини ўрнатиш ва ишлатиш, бухгалтерия ҳисоби, радиотехника ва телеаппаратураларни таъмирлаш ва ишлатиш сингари еттита бўлим мавжуд бўлиб, уларга ўрта мактабнинг 9 ва 11-синфларини тугатган ўғил-қизлар ўқишга қабул қилинади.

Коллежда замонавий компьютер синфлари, жиҳозланган лаборатория хоналари ўқувчилар ихтиёрида. Бундан ташқари, улар учун «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссадорлик жамияти ва «Алгоритм» ишлаб чиқариш бирлашмаларида амалиётни ўташ имконияти яратилган. Ўқув муассасасини битирган ёшларнинг аксарияти ана шундай йирик корхоналарда ўзларининг касб маҳоратларини намоён этишади.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: қабул жараёнидан лавҳа.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР | ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

УСМОН НОСИР НОМЛИ ТОШКЕНТ МАТБАА-НОШИРЛИК КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2004-2005 ЎҚУВ ЙИЛИГА

9 йиллик маълумот асосида қуйидаги иҳтисосликлар бўйича ўқувчилар қабул қилади:

1. ҲАРФ ТЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Касби: Ҳарф териш устаси.

Ихтисослик: — полиграфияда, компьютерда ҳарф териш оператори.

2. ПОЛИГРАФИЯ МАШИНА ВА ЖИҲОЗЛАРНИ ИШЛАТИШ (РУС ГУРУҲИ)

Касби: Полиграфия машина ва жиҳозларни ишлатиш бўйича уста.

Ихтисослик: фальцлаш, қотириш, тикув-қўшма ва кесиш агрегатлари машинисти;

— брошюралаш — муқовалаш ишлаб чиқариш оператори,

3. ПОЛИГРАФИЯ МАШИНА ВА ЖИҲОЗЛАРИ.

Касби: Полиграфия машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш бўйича уста.

Ихтисослик: Полиграфия машиналари созловчиси;

Таъмирловчи — чилангар.

4. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

5. МАРКЕТИНГ.

6. МЕНЕЖМЕНТ.

11 йиллик маълумот асосида коллежнинг сиртқи бўлимига қуйидаги ихтисосликлар бўйича ўқувчилар қабул қилинади:

1. Чоп этиш ишлари. Ўқиш муддати 2 йил 9 ой.

2. Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолияти таҳлили.

3. Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисодиёт ва режалаштириш. Ўқиш муддати 2 йил 6 ой.

Аризалар 20 июндан бошлаб қабул қилинмоқда.

9 йиллик маълумот асосида коллежга кирувчилар қуйидаги фанлардан махсус синовдан ўтадилар.

1. Ўзбек (рус) тили.

2. Математика.

Сиртқи бўлимга кирувчилар ўзбек (рус) тили ва математика фанларидан тест синовини топширадилар, ўқувчилар сафига қабул қилиш 20 августдан 25 августгача ўтказилади.

Усмон Носир номли Тошкент Матбаа-ноширлик касб-ҳунар коллежи манзили:

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-а уй.

Автобуслар: 46, 91, 35, 28, 53, 64.

Троллейбуслар: 4, «Хадра» ёки «Марказий телеграф» бекати.

Телефон: 144-64-54; 144-60-63.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Зангиота тиббиёт коллежи 2004-2005 ўқув йили учун 9-синфни тамомлаган ўқувчиларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

1. Ҳамширалик иши — тиббиёт ҳамшираси мутахассислиги.

2. Даволаш иши — фельдшер мутахассислиги.

3. Ортопедик стоматология — тиш техниги мутахассислиги.

Ўқишга кириш учун қуйидаги фанлардан махсус синовдан ўтилади:

ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ.

БИОЛОГИЯ (БОТАНИКА, ЗООЛОГИЯ, ОДАМ АНАТОМИЯСИ).

Ўқишга кирувчи абитуриентлар «Маслаҳат маркази»га қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

— белгиланган шаклдаги таълим муассасаси раҳбари номига ёзилган ариза;

— рейтинг бали кўрсатилган маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;

— ҳудудий касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази тавсияномаси;

— доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома;

— 086-У шаклдаги тиббиёт маълумотномаси;

3-4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат;

— туғилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхаси;

Коллежда ўқиш муддати 2 йил 10 ой.

Бизнинг телефон: 130-20-80.

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Иттифоқ» Қ. Ф. Й. Шифокорлар кўчаси. Тарнов бекати.

Автобуслар: 163, 182, 190, 238, 452.

Йўналиш таксилари 160, 235, 237, 454, 480, 461.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автомототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади.

2004 йил 30 июль кунида қуйидаги автомототранспорт воситасининг кимошди савдоси ўтказилади:

"Нексия" автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 23 G 30-27, бошланғич нархи 1 425 000 сўм, техник соз;

2004 йил 10 август кунида қуйидаги автотранспорт воситаларининг ким ошди савдолари ўтказилади:

1. "Форд Транзит" микроавтобуси, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 E 51-19, бошланғич нархи 6 000 000 сўм, техник соз,

2."М-412 ИЭ" автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 F 81-41, бошланғич нархи 1 000 000 сўм, техник соз;

3. "Ваз-2106" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AE 179, бошланғич нархи 2 000 000 сўм, техник соз;

4. "Кавз-3270" автобуси, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AE 929, бошланғич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз;

5. "Камаз-5410" юк автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AA 113, бошланғич нархи 6 000 000 сўм, техник носоз;

6. "Маз-5549" юк автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AW 810, бошланғич нархи 750 000 сўм, техник носоз;

КИМОШДИ САВДОСИ СОАТ 16-00ДА БОШЛАНАДИ.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш кимошди савдоси эълон қилинганидан 3 кун аввал тўхататилади.

Кимошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси 3-уй ,2 -қават.

Маълумот учун телефонлар:, 144-54-08, 41-16-38

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-809. 23456